



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 2 апрель, № 65 (6248) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Бугун биноларни пардозлашда пластик панеллардан кенг фойдаланилаёпти. Ташқи таъсирларга чидамли, енгил ва нисбатан арзон ҳисобланган бундай қопламалар, асосан, четдан келтирилади.

Импорт ўрнига экспорт

Юқори Чирчиқ туманидаги “Бест пласт” масъулия чекланган жамиятида бундан сал аввалроқ худди шундай маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди. Тула хориж технологияси асосида ишловчи корхона йилига 1,5 миллион квадрат метр пластик панел тайёрлаш қувватига эга. Бу ерда 30 нафар ишчи икки сменада меҳнат қилаёпти. Буюртмалар ҳажми ҳам шунга яраша ортиб бормоқда.

— Биз сифатли маҳсулотларимиз билан импорт ўрнини босишга ҳаракат қилаёламиз, — дейди корхона раҳбари С. Топулов. — Шунинг баробарида, ташқи бозор талабларини ҳам ўрганиб, пластик панелларимиз тури ва сифатини ошириш пайдидан бўлаяёмиз.

Этиборлиси, яқинда “Бест пласт” маҳсулотлари “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги билан экспортга ҳам чиқарилди.

Файрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Фойдаланиш муддати узаяди

Хатирчи туманидаги “Gold doors servis” хусусий корхонасида замонавий эшик ва дераза ромлари, мебель жиҳозлари тайёрлаш йулга қўйилди.

Биз фойдаланадиган хом ашёнинг зичлиги 90 даража иссиқликда, 90 тонналик юк босими остида мустақамланади, — дейди корхона раҳбари Икромжон Эрматов. — Натижада ундан тайёрланган куриллиш жиҳозларининг фойдаланиш муддати узаяди.

Мазкур лойиҳа 500 миллион сўмлик сармо

эвазига амалга оширилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар халқаро стандартларга тўла жавоб беради.

Айни пайтда корхонада 12 киши иш билан таъминланган. Тула қувватга эришилган эса, уларнинг сафи 30 кишига етади.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Кўп хусусиятли ёқилғи

Амударёлик тadbиркор Гулмирза Аллаберганов кўмир кукунидан донатор брикет тайёрлашга ихтисослаштирилган “Мангит Аму брикет” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди.

Одатда, кўмир кукуни ташлаб юбориш ҳолати тез-тез учрайди, — дейди у. — Шундан келиб чиқиб, интернетдан ана шу иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш технологиясини ўргандим. Туманимиздаги бўш турган бинони таъмирлаб, фаолиятимизни бошладик. Банкнинг молиявий ёрдами билан хориждан брикет тайёрлайдиган илгор технологик ускуналарни келтириб ўрнатдик.

Айтиш жоизки, бу ерда ишлаб чиқарилаётган кўмир брикет яхши иссиқлик бериши, сақлаш ва ташишда қулайлиги ҳамда фойдаланилганда чиқатга чиқмаслиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Бир миллиард сўмлик лойиҳа

Фаллаороллик тadbиркор Лайло Маматқулова раҳбарлик қилаётган “Элдорадо класс” хусусий корхонаси фаолияти янада кенгайдиган бўлди.

Айтиш керакки, айни пайтда “Ширин дунё” ёрлиги остида савдога чиқарилаётган турли ширинликлар ички бозорда аллақачон ўз харидорларини топган.

Эндиликда жамоа хизмат кўрсатиш тармоғини ҳам ташкил қилиш ҳаракатида. Бунинг учун бир миллиард сўмлик

сармоа йўналтирилмоқда. Айни пайтда корхона қошида кўш қаватли бино қуриллаёпти. Тез орада бу ерда савдо мажмуи ҳамда турли тантана ва маросимлар ўтказишга мўлжалланган зал ҳам иш бошлайди.

Тождидин ҚАМАРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Ўтган йили мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида

11000

та
якка тартибдаги уй-жой барпо этилди.



Бу чекка худудларда истиқомат қилаётган оилаларни замонавий тураржойлар билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган давлат дастурларининг ижроси изчил таъминланаётгани самарасидир.

ТАФАККУР ҲАЗИНАСИ



Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб ёш авлод таълим-тарбиясига энг муҳим вазифалардан бири сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Уларнинг замонавий шарт-шароитлардан баҳраманд бўлиб, пухта билим олишаётгани, хусусан, сўнгги русумдаги ўқув ускуналаридан фойдаланишаётгани ўз самарасини бераётир.

Айни пайтда эртамик эгаларини мутулаага ошно этиш, китоб ўқишга ўргатиш ҳам тарбиянинг таъсирчан усуллари саналади. Бинобарин, юртимизда 2 апрель — Халқаро болалар китоби куни сифатида кенг нишонлиниши ана шу эзгу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

2 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАР КИТОБИ КУНИ

Бунда мактаблар, маҳаллалар, ўқув юртиларида қатор маданий-маърифий тadbирлар ташкил этилади. “Фарзандимга китоб ҳада этаман” акцияси шулардан бири. Ҳар йили ўтказилиши аниқлашга айланган ушбу тadbир доирасида болаларни китобхонликка даъват этувчи кечалар, ёзувчи ва шоирлар

билан учрашувлар уюштирилади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан китобхонлар билан ишлашни янада яхшилаш, уларни маънавий рағбатлантириш, ёшларнинг мутулаага бўлган қизиқишини кучайтириш, ўғил-қизларимиз онгидан эзгу тушунчаларни бойитиб боришга алоҳида

эътибор берилмоқда. Қолаверса, китобсевар ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари фаолигини ошириш мақсадида республика миқёсида ҳар йили оилавий китобхонликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бир қатор анжуманлар ташкил қилинаётир. Жумладан, уч босқичли “Китобхонлар байрами” тadbирлари,

“Китобхон оила”, “Китобхон мактаб”, “Йилнинг энг яхши китобхони”, “Мустақиллик мадҳи болалар ижодида”, “Зукко китобхон” каби ўнлаб кўрик-танловлар фикримиз тасдиғидир. Шу ўринда Республика болалар кутубхонаси томонидан уюштирилаётган “XXI asrda bolalar kитobxonligi” мавзусидаги илмий-

амалий конференция ҳам ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш мақсадида қартилганлигини айтиш жоиз. Бундай тadbирлар мактаб кутубхоналари ҳамда ахборот-ресурс марказлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилаёпти.

(Давоми 3-бетда).

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида орттирилган тажриба дунё ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланмоқда

Лондон шаҳрининг машҳур тарихий маркази — Ситида “Янги Ипак йўли бўйининг аграр жабҳасига сармоалар” мавзусига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

ЭЪТИРОФ

“New Silk Road Forum” компанияси томонидан Бирлашган ҳизматлар Қироллик институти (RUSI) ва “Ashurst” юридик фирмаси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тadbирда Буюк Британиянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил, академик ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди.

Конференция доирасида уюштирилган Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий ва сармоалар салоҳиятининг тақдироти чоғида мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини диверсификациялаш ҳамда аҳолининг кенг қўллами ва турли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга йўналтирилган чора-тadbирларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этгани таъкидланди. Маълум қилинишича, республикада қишлоқ хўжалигида хорижий сармоалар ва технологияларни жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифа-

ти ҳамда уларни сақлашнинг замонавий тизимини шакллантириш, логистика тизими ва озиқ-овқатларни истеъмолчиларга етказиб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“New Silk Road Forum” компанияси бош ижрочи директори А. Камалпур конференция қатнашчиларини қутлар экан, ривожланаётган мамлакатларда аҳоли сони кўпайиши ҳамда жаҳонда озиқ-овқат таъминлаш масалаларининг аҳамияти таъкидланди. “Аграр жабҳага киритилмайдиган сармоалар ҳамжамиятини ошириш лозим”, деди А. Камалпур. “New Silk Road Forum” компанияси раҳбари қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сақлаш, транспорт инфратузилмаси ҳамда мутахассисларни ўқитиш тизимларини ривожлантириш бўйича биргаликда саъй-ҳаракатларнинг муҳимлигини таъкидлар экан, Ўзбекистоннинг бу соҳалардаги тажрибасига ихтиёрий баҳо берди.

Шунингдек, тақдимот чоғида “Навоий” эркин иқтисодий-индустриал зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналарида хорижлик шериклар учун яратилган шариоитлар ҳақидаги маълумотларга алоҳида ургу берилди.

2012 — 2014 йиллар мобайнида Ўзбекистонда сабзавот етиштириш 16,3 фоиз, полиз экинлари 16,6 ва мева етиштириш қарийб 21 фоиз ўсгани ҳамда янги бог ва узумзорлар, замонавий иссиқхоналар барпо этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сақлаш тизимларини қуриш ва модернизациялаш юзасидан Ўзбекистоннинг 2016 йилгача мўлжалланган истиқболдаги режалари ҳам тadbир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Шу ўринда улар республикамизнинг қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш салоҳияти, трактор,

ғаллани ўриб-йиғиб оладиган комбайн, плуг ва бошқа ускуналар ишлаб чиқариш бўйича “Claas”, “Lemken” ва “Case New Holland” сингари жаҳонга машҳур компаниялар билан муваффақиятли ҳамкорлиги билан яқиндан танишдилар.

Тadbирда, шунингдек, Ўзбекистонда минтақа миқёсидаги ҳамда мамлакат ҳудудидagi транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга устувор аҳамият берилаётгани хусусида ҳам атрафлича фикр юритилди. Шу ўринда Ўзбекистоннинг халқаро транспорт коммуникацияларини ривожлантиришдаги иштироки, Навоий шаҳридаги интермодал логистика маркази фаолияти билан боғлиқ маълумотлар ҳам тақдимот қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистоннинг аграр жабҳасида улкан инфратузилмавий ва сармоалар салоҳияти маъжудлиги қайд этилгани баробарида, минтақада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда юртимиз муҳим ўрин тутгани алоҳида таъкидланди.

«Жаҳон» АА.
Лондон

ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия) ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Аҳолининг фуқаролик фаолигини оширишда жамоат ташкилотларининг роли” мавзусида семинар ўтказилди.

Аҳолининг фуқаролик фаоллиги ва жамоат ташкилотлари

Унда республикамиз илмий, таълим муассасалари олимлари ва мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, шунингдек, хорижлик экспертлар қатнашди.

Семинар Ўзбекистонда сайлов жараёни шариоитида ўтказилди. Президент сайловини кузатиш мақсадида юртимизга ташриф буюрган хорижлик иштирокчилар эътироф этганидек, мазкур муҳим сиёсий тadbирда мамлакатимиз аҳолиси юксак фуқаролик фаоллигини намойиш қилди.

Республикада аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини, фуқаролик фаоллиги ҳамда ўзликни англаш туйғусини юксалтириш борасида кенг қўллаш ишлар олиб борилаётганига алоҳида тўхталиб ўтилди. Мамлакатни ижтимоий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ечиш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда аҳолининг иштирокини кучайтиришда турли жамоат ташкилотлари, жамғармалар,

оммавий ижтимоий ҳаракатлар ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари эркин раванг топишининг ҳуқуқий қафолатларини таъминлайдиган пухта норматив-ҳуқуқий пойдевор яратилган. ННТ ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг илгор институциявий базаси шакллантирилган.

Хусусан, 2008 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурда ташкил этилган Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ННТ иқтисодий мустақиллиги, эркинлиги, улар фаолиятининг ташкилий-техник базасини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси хорижлик экспертлар диққат-эътиборини тортиди.

(Давоми 2-бетда).

O'ZSANOATQURILISHBANK

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш масаласига давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Бундай юксак гамхўрликка жавобан аёлларимиз турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишапти.

Бугунги ҳаётимизнинг яна бир муҳим, ўзига хос жиҳати сўнгги йилларда тadbиркорлик, хусусий ва

оилавий бизнес соҳасида ҳам аёлларнинг иштироки кучайиб бораётди. Буни охириги ўн йилда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик корхоналарига раҳбарлик қилаётган хотин-қизларнинг улushi қарийб икки баробар ошгани, кичик бизнес субъектларининг 40 фоизини айнан улар бошқараётгани мисолида кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат, вафо ҳамда назокат рамзи бўлган хотин-қизларимизнинг беқиёс фазилатлари, фидойилиги, шижоати ҳар қанча эътирофга лойиқ. Айтиш жоизки, мамлакатимизнинг етакчи тижорат банкларидан бири — “Ўзсаноатқурилишбанк”

ҳам ўз фаолиятида тadbиркор аёллари-мизни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хусусан, қишлоқ жойларда иш ўринлари ташкил этиш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, кредит маблағлари ажратиш орқали хотин-қизларимизни тadbиркорлик соҳасига янада кенгроқ жалб қилиш, турмуш шароитларини, кундалик юмушларини энгиллаштириш каби энг муҳим вазифаларга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Буни ушбу молия муассасаси кўмағида ўз бизнесини йўлга қўйиб, ҳам оиласи, ҳам юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган тadbиркор аёлларнинг дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

БУНЁДКОРЛИК ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ШИЖОАТИ

“Ўзсаноатқурилишбанк” аёллар тadbиркорлигини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.



БИЗНИНГ ШАРХ

шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, хурмати билан белгиланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намойён қиладиган халқ сифатида жаҳонда обрў-эътибор қозонади”, деган сўзлар қалбимизга ўзгача ифтихор бағишлади. Чунки юртимизда хотин-қизларга шунчалар катта эътибор ҳамда гамхўрлик кўрсатилмоқдаки, буни бугун дунё ҳамжамияти ҳам алоҳида эътироф этапти.

Мавжуд шароитлар туфайли мен ҳам бир неча йилдан бери тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келмоқдаман. “Ўзсаноатқурилишбанк” кўмағида истиқболли лойиҳаларимни муваффақиятли амалга ошираётман.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур молия муассасасининг тadbиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари диққатга сазовор. Масалан, яқинда банкнинг Бухоро вилояти минтақавий филиали томонидан бизга замонавий ишлаб чиқариш ускуналари ва хом ашё сотиб олиш учун имтиёзли фойз ставкаларида 250 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Кўп ўтмай, лойиҳада кўзда тутилган технологияларни олиб келиб ўрнатдик. Ҳозир ойда 50 тонна ундан нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз.

Биз мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсатга ўз ҳиссасини қўшаётган “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятидан беҳад миннатдоримиз. Келгусида мазкур молия муассасаси билан ҳамкорликни изчил давом эттириш ниятидадим.

Сайёра АТАЕВА,
«Ободлик кафтадаги ДОН»
оилавий корхонаси раҳбари.
Бухоро вилояти

Қалбимизда фахр ҳисси

Биз, аёллар бир жиҳатдан доимо қувониб, фахрланиб юрамиз. Гап шундаки, мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, янада қўллаб-қувватлаш, шароитларини яхшилаш, рўзгор юмушларини энгиллатишга катта аҳамият берилмоқда. Бундай хурмат, эъзоз ва эътибор бизни инсон қадри ҳамisha улугланадиган мана шундай ажойиб юртимиз билан нафақат фахрланиб яшаш, балки унга муносиб бўлишга ундайди.

Ҳар йили мамлакатимизда Халқаро хотин-қизлар куни катта тантана сифатида нишонланади. Ана шу сана муносабати билан, жумладан, жорий йилда пойтахтимизда бўлиб ўтган тadbиркор юртимиз аёлларига йўлланган байрам табригини ўзгача ҳаяжон билан тингладик. Унда билдирилган фикр ҳамда тилакларнинг ҳар бири алоҳида қимматга эга. Айниқса, “...ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини гўёки ойнадек акс эттирадиган

БИЗНИНГ ШАРХ

Юртимизда ёшларни, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш ва тadbиркорлик соҳасига жалб этиш кўлами тобора кенгаймоқда. 2014 йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун аввалги йилдаги нисбатан 1,8 баравар кўп, яъни 10,4 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Шу жумладан, касб-хунар коллежларини тамомлаган қизлар тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

Ўз бизнесимни йўлга қўйдим

Бундан уч йил муқаддам Кўнғирот нефть ва газ саноати касб-хунар коллежини битириб, бизнес билан шуғулланишни дилмига тугиб юргандим. 2013 йилдан шу соҳада мустақил фаолият бошладим. “Ўзсаноатқурилишбанк” кўмағида аввалги бизнес лойиҳамни ишлаб чиқдим. Кейин уни ҳаётга татбиқ этиш учун мазкур молия муассасаси томонидан менга 45 млн. сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди.

Ана шу сармоя ҳисобига “HOWER-8700” русумли 12 та тикув машинаси сотиб олиб, йилга 8640 донга турли хилдаги болалар кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. 13 нафар хотин-қизни, шу жумладан, касб-хунар коллежи битирувчиларини шу жумладан, ишга жалб этдим. Дизайни бежирим, сифати юқори, таннархи эса арзон бўлган маҳсулотларимиз харидорларга манзур келяпти.

Республикамизда хотин-қизларга яратиб берилаётган беқиёс шарт-шароитлар бизни нафақат турмушимизни фаровон қилиш, балки Ўзбекистонимиз-

нинг янада гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшишдек эзгу мақсад сари руҳлантирмоқда.

Шаҳло МАШАРИПОВА,
«Ойнур Фаршта» хусусий корхонаси раҳбари.
Кўнғирот тумани

БИЗНИНГ ШАРХ

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан ўтган йили 700 нафардан ортқ хотин-қизга маиший техника воситалари, ошхона электр жиҳозлари ва бошқа истеъмол товарлари сотиб олишлари учун жами 3,8 млрд. сўм миқдорда истеъмол кредитлари берилди. Бу уларнинг уй юмушларини энгиллаштиришга ҳисса бўлиб қўшилгани, шубҳасиз.

2014 йилда банк томонидан аҳолига 70,1 млрд. сўмлик ипотека кредитлари ажратилган бўлиб, шундан 18,7 млрд. сўми ёш оилаларга имтиёзли равишда йўналтирилди. Хусусан, аёллар ҳам ана шундай имкониятдан баҳраманд бўлишди.

Лойиҳам амалга ошди

Бундан тўрт йил муқаддам туманимиздаги касб-хунар коллежини тамомлаган эдим. Мана, икки йилдирик, мустақил иш юритаятман. Бунда “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг молиявий кўмағи кўл келди. Хусусан, банк томонидан ажратилган имтиёзли фойз ставкаларида 20,0 млн. сўм миқдордаги кредит маблағи бизнес лойиҳамни рўёбга чиқаришда муҳим омили бўлди.

Ушбу кредит маблағи ҳисобига 10 бош қорамол сотиб олиб, оила аъзоларимни ҳам жалб қилган ҳолда, йилга 4,3 тонна гўшт ҳамда тери маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Шу орқали туманимиз аҳолисига гўшт маҳсулотлари етказиб беришга, оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимиздан хурсандман.

Бахтли ва фаровон ҳаёт завқи

Бугуннинг аёли замон билан ҳаммадамдир. Мамлакатимизда биз учун яратиб берилаётган имкониятлар туфайли тadbиркор, фермер, хунарманд хотин-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Орзу ва мақсадларимиз рўёбга чиқаётганлиги эса янада қувонарлик.

Ўтган йил оиламизга алоҳида қувонч олиб келди. Гап шундаки, “Ўзсаноатқурилишбанк” кўмағида биз ушбу йилда уйли бўлдик. Банкнинг “Бунёдкор” филиалидан расмийлаштирилган 87 миллион сўм миқдордаги ипотека кредити Эвазига Андижон шаҳрининг Навоий шохқўчасида бунёд этилган кўп қаватли уйдаги хонадонлардан бирига эга бўлдик. Қувончимиз бир олам. Уйимиздаги шарт-шароитлар ҳаммамизга манзур. Айниқса, болажонларимизнинг хурсандчилигини айтмайсишимиз! Бундай қулайликлар туфайли қа эга хонадонда туғилиб, вояга етган болаларнинг соғлиғи, фикрлаши, дунёқараши ҳам бошқача бўлади.

Қолаверса, ёш оилаларга 15 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан имтиёзли фойз ставкада ипотека кредити ажратилаётганлиги ҳам барчага катта энгиллик яратиб бераётди.

Бундай қулайликлар туфайли биз бахтли ва фаровон ҳаёт кечириб, орзу-ниятларимиз рўёбини кўраётимиз.

Нигора ЙЎЛДОШЕВА,
Андижон шаҳри

БИЗНИНГ ШАРХ

Жорий йилда ҳам юртимиз фуқароларига, хусусан, ёш оилаларга, улардан келиб тушаётган аризаларни ўз вақтида қўриб чиқиб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан янги кредит турларини амалиётга татбиқ қилиш давом эттирилади.

Шунингдек, қишлоқ жойларда аёлларни иш билан таъминлаш, аёл тadbиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва айниқса, ўз бизнесини бошлаётганларга кредит маблағлари ажратиш ҳамда банк хизматларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш масалаларини “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоаси ўз олдига турган устувор йўналишлардан бири, деб билади. Бу борада барча имкониятни ишга солади.

Фурқат САНАЕВ,
тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

XALQ BANKI

Ташиқлот ҳамда фирмалар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов савдоларида чет эл фирма ва ташиқлотлари, маҳаллий етказиб берувчилар, танлов савдолари асосида етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, танлов эълон қилинган маҳсулот ишлаб чиқарувчилари ва/ёки уларнинг авторизациясига эга бўлган етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

- Танлов комиссия ишчи органи номи ва манзили: Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки. 100000, Тошкент ш., Амир Темуру шохқўчаси, 3-уй. Телефон: (+99871) 120-17-48, 120-17-49, 120-17-81. E-mail: marketing@xb.uz, it@xb.uz
- Танлов савдолари предмети:
 - Узлуксиз қувват манбаи (UPS) етказиб бериш: **УКМ 40 КВА (APC, Emerson, Eaton); УКМ 60 КВА (APC, Emerson, Eaton).**
 - Дизель генератори етказиб бериш: **асосий режимдаги қуввати (Prime) 100 КВАдан кам бўлмаган; двигателъ бренди Perkins, Deutz; ишлаб чиқарувчилар GESAN, SDMO, БЕКО, EMSA.**
- Танлов қатнашчиларига талаблар:
 - Ускуналар олдин фойдаланилган бўлиши;
 - Ишлаб чиқарувчининг авторлик руҳсати мавжуд бўлиши;
 - Электротехника ускуналари (ИБП ва ДГУ)ни етказиб бериш юзасидан махсус лицензия ҳамда уй йилдан кам бўлмаган тажрибага эга бўлиши;
 - Ишлаб чиқарувчининг хизмат кўрсатиши маркази мақомига ҳамда штатда сертификатланган муҳандис ходимга эга бўлиши.
- Етказиб бериш шартлари, муддатлари ҳамда тўлов шартлари юзасидан маълумотлар танлов савдолари бўйича ҳужжатларда кўрсатилган.
- Танлов савдолари юзасидан барча таклиф юқоридаги манзилга ёпиқ ҳолатда, муҳрланган конвертда **2015 йил 17 апрель соат 18.00 га қадар** такдим этилиши лозим.
- Танлов савдолари ўтказилиши бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар мурожаат қилиш мумкин.

«Қибрай»

клиник санаторийси

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиаҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етуқ мутахассислар тиббиётнинг энг илгор усуллари асосида беморларни даволайди.

Фин, турк, япон сауналари, бассейни ва жакузи ванналари, фитобочка, инфракрасил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.

Сиаҳатгоҳда фитобок, теннис корти ва ана кўлаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таъминона тавсия қилинади.

Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг «Буюк Ипақ йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатидаги чироқ бўйида.
Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Андижон филиалида 2015 йил 1 май куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан Андижон вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 4 августдаги 17-1411/5071-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 19-уйда жойлашган, қурилиш майдони 3938,04 кв.м. бўлган, «Анда-жон А.З.М.» МЧЖ савдо маркази биносининг 1/3-қисми қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 682 700 000 сўм.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва 2015 йил 29 апрель куни соат 17.00 да тўхтайтилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Capital realtor group» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800020492751003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 36-уй, 3-қават. Тел.: (0-374) 228-46-16.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 120 785 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Муассислар:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файzieва.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5